

Таъзия



06:33 / 16.06.2025 1150

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг қадрли биродарлари, «Hilol Nashr» дўконлар тармоғининг Марғилон филиали иш бошқарувчиси **Жалолиддин ҳожи Камоловнинг** турмуш ўртоқлари вафоти муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳуманинг бу дунёда қилган барча солиҳ амалларининг ажрини зиёдаси билан бериб, иймонларини саломат қилсин, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин, жаннатнинг олий даражаларига етказсин.

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси, Islom.uz портали ва шайх ҳазратларининг оила аъзолари номидан **Жалолиддин ҳожи Камолов** ва барча мусибатзадаларга сабру салвон тилаймиз, қилган сабрларига Аллоҳ таолодан улкан ажр-мукофотлар сўраймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!